

сўзларидан кейин «(шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига)» сўзлари қўшилди.<sup>19</sup> Бу халқаро мобилликни Ўзбекистонда тан олиниши механизмларини йўлга қўйишда муҳимдир.

Халқаро мобилликни ривожланиши кўп жиҳатдан маълум бир мамлакат ёки таълим муассасаси томонидан рағбатлантириш сиёсатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, хорижий мамлакатда олинган таълимни, PhD ҳимоясининг тан олиниши ва рағбатлантирилиши, халқаро таълим олишга бўлган интилишни, рағбатни кучайтиради. Бу эса ўз навбатида, мамлакатларнинг илмий потенциалини юксалишига, илм-фанни ривожланган хориж мамлакатларининг ютуқлари асосида ривожлантиришга, замон билан ҳамнафас мутахассисларни етиштиришга замин ҳозирлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аҳмедов Б. Улуғбек. (Машхур кишилар ҳаётидан). –Тошкент: 1989, Б.112-113
2. Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоғи. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 110 бет.Б.4-5
3. More information on the European Union is available on the Internet (<http://europa.eu>). Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2014
4. Иностранные студенты в США// <http://www.theusaconsult.com/international-students-in-us/>
5. Обзор практик международной академической мобильности <http://bolognaby.org/?p=2154>
6. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2733753](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2733753)
7. [http://www.studyamerica.ru/cgi-bin/issue.cgi?action=article&ar\\_id=216](http://www.studyamerica.ru/cgi-bin/issue.cgi?action=article&ar_id=216)
8. <http://www.parta.org/articles/?id=221>

### **ТАЪЛИМ, МАЛАКА ОШИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДА КЛАСТЕР ЁНДАШУВНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

**Ходжаев А., Хошимов А.**

*Мазкур мақола мутахассислар компетенциясининг доимий тараққий этиб боришга бўлган эҳтиёжни кўрсатиб беради. Касбий компетенциянинг шаклланиши олий таълим институтларининг энг муҳим мақсади саналади.*

19. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2733753](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2733753)

## THE BENEFITS OF THE CLUSTER APPROACH IN THE INTEGRATION OF EDUCATION, TRAINING AND PRODUCTION

**Xodjaev A., Xoshimov A.**

The article shows the need to continually improve the professional competence of specialists. Formation of professional competence is a primary goal of educational institutions professionanlnyh

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар касбий таълим сифатини оширишга қаратилган бўлиб, педагогик фан олдига янги ва янги муҳим масалаларни қўймоқда. Техника ва технологияларни жадал такомиллашиб бориши, ахборотлаштириш, ахборот алмашув ва интеграция жараёнлари кескин ривожланиши таълим муассасалари битирувчиларининг билим ва кўникмаларини доимий янгилаш ва уларни тайёрлаш сифатини ошириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида замонавий ўқув жараёнида ўқитишни табақалаштириш, индивидуаллаштириш, модул тизими асосида ташкил этиш талаб қилинади. Модулли ўқитиш технологияси таълимни ўқувчига фанларни табиий қобилятига яраша ўзлаштиришга имконият яратади. Модулли ўқитиш технологияси инсон имкониятига мос келиши туфайли самарали ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитиш технологиясининг яратилиши ўқув жараёнида унга хос хусусиятлар етарлича инобатга олинishiга боғлиқдир.

Касбий таълимда ўқув жараёни кўпқирралийлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. У интеграциялашган ўқув жараёни ҳисобланади, чунки бунда кичик мутахассисларни тайёрлаш уларни 2-3 та ихтисосликка ўргатиш билан бирга олиб борилади. Касб-хунар коллежларида интеграциялашган ўқув жараёни кичик мутахассисни касбий тайёргарлигига асосланади, бунда назария амалиёт билан тўғридан-тўғри боғланиб, ўқитиш лаборатория, устахона, ишлаб чиқариш корхоналарида маълум касб ва ихтисослик бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида амалга оширилади.

Инсоннинг касбий фаолияти замон талабига мос равишда касбий компетентлигини доимий ошириб бориши зарурлигини талаб этади. Замонавий касбий компетентлигини шакллантириш касбий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг асосий вазифаларидан бири бўлиб колмоқда. Бунда касбий таълим тизимида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида таълим мазмуни ва сифати такомиллашиб бориши вазифаси гавдаланади.

Таълим мазмуни, унинг методлари ва технологияларига янгича қарашни татбиқ этувчи компетентли ёндошув XXI асрда касбий таълим мазмунини янгилашнинг

асосий воситаларидан бири бўлиб қолади. Ўқувчиларнинг касби бўйича ишлашга тайёрлигини таъминловчи ва мустақкамловчи билим, кўникма, амалий тажриба, қобилият, қадриятларни тушуниш кабилар шахснинг интегратив хусусияти таълим мазмунини янгилашнинг асосий хусусиятларидан бири сифатидаги тушунчаси ҳисобланади.

Интеграциялашган таълим ҳам бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёни, ҳам кейинги касбий фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга.

Касбий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари уни ташкил этишга янгича ёндашувларни белгилаб берди. Булар орасида кластер ёндашуви истиқболли ёндашувлардан бири ҳисобланади. Хорижлик иқтисодчилар, жумладан, таниқли олим М.Портер [1] томонидан ишлаб чиқилган кластер назариялари, кейинчалик айрим мамлакатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитларига мос тарзда қўлланилиши тадқиқотлар ҳамда амалий ишланмаларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Кластерни ташкил этишнинг асосий мақсади бир-бирини тўлдирувчи ҳамда алоҳида компонентларни, умуман, кластерни рақобатдаги устуворлигини оширувчи ва фаолият йўналиши бўйича ўзаро боғлиқ бўлган компания ва институтлар гуруҳини бир ҳудудга жамлашдан иборат. Кластер таркибига кирувчи компаниялар бир хил маҳсулот ишлаб чиқаради ёки ўхшаш хизмат кўрсатади.

Бир қатор тадқиқотларда кластер ёндашуви тадбиркорликнинг инновацион лойиҳаларини жорий этишга хизмат қилувчи ва ишлаб чиқаришни ҳудудий-соҳавий жиҳатдан ташкил этиш, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтларини алоқадор давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигининг синергетик самарасини таъминловчи шакли сифатида қаралмоқда. Бу ёндашув ишлаб чиқаришни бошқаришнинг амалда қўлланиб келинган соҳавий принципи асосига қурилган шаклига нисбатан кластер ёндашуви ишланмалар ва технологияларни коммерциализациясига йўналтирилган самарали бошқарувини ташкил этиш имконини беради. Ҳозирги вақтда кластер ёндашувидан фойдаланиш олий таълим муассасаларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб бўлди.

Кластерда интеграция ҳар хил тузилмаларни бирлаштирувчи (таълим – фан – ишлаб чиқариш), инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида уларнинг имкониятларини бирлаштиришнинг янги шаклини топиш сифатида белгиланади. Фанда таълимий хизматларнинг пировард натижаси сифатида шаклланивчи таълимий кластер ўқув юрти турли даражадаги ҳудудий ўқув юртларини умумий интеллектуал марказ – олий таълим муассасаси атрофида барқарор бирлашишини англатади. Олий ўқув юрти интеграциялаштирувчи функциядан ташқари инновацион таркиб топтиришни амалга оширади. Кластер таркибига кирган ташкилотлар бири-бирини тўлдириши натижасида ҳам ўзларининг, ҳам кластернинг рақобатбардошлилигини оширади. Кластерни муваффақиятли тараққий этиши учун ривожланишнинг барқарор стратегиясини белгилаб

олиш зарур. Уни амалга ошириш иш берувчилар, муассислар, ишбилармонлик субъектлари, ҳокимлик органлари, таълимий ҳамда ижтимоий муассасалар, маданият муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг қизиқишларини бирлаштириш имконини беради.

Муассасаларни таълимий кластерга бирлаштириш ҳудудий яқинлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, мавжуд база ва захиралардан ҳамкорликда фойдаланиш, қизиқишларнинг умумийлиги принципи асосига қурилади. Шунингдек, кластерни ташкил этиш учун бир соҳанинг очиқ таълимий дастурлари узвий алоқадорлик асосида бўлиши ва дастурлар касб-ҳунар стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилиши, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари эса ижтимоий шерикчилик принциплари асосида фаолият олиб боришлари лозим.

Кластерга бирлашишга қарор қилган муассасалар ўзларининг тараққий этиш бўйича режалаштирилаётган натижа, инновацион фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичлари, даражалари ва мезонлари белгиланган дастурларига эга бўлади. Кластер ичида содир бўлаётган жараёнларнинг очиқлиги, натижаларнинг барча қатнашчилар учун шаффофлиги кластернинг муваффақиятли ривожланишининг кафолатидир. Айниқса, кластерга кириш истагида бўлган таълим муассасасига алоҳида талаблар қўйилади. Бу талаблар ичида:

- белгиланган натижага уйғун тарзда эришиш;
- мақсадларнинг умумийлиги;
- истиқболни кўра билиш;
- фаолият натижасини такомиллаштиришга интилиш;
- ўз фаолиятини мувофиқлаштира билиш;
- қарорларни жамоавий тарзда қабул қилиш ва уларни ҳамкорликда амалга ошириш каби талабларларга устувор тарзда қаралади.

Бир команданинг ютуғи бошқа ташкилотлар учун намуна вазифасини ўташи мумкин.

Кластертаълим тизимини ривожлантиришни инновацион бошқариш механизми сифатида унинг таркибига кирувчи ҳар бир таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Бунда ижтимоий шерикчилик, бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш, инновацион тайёргарлик ресурсларини юзага келиши, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, таълим олувчини узлуксиз ривожлантирувчи таълимнинг янги сифат кўрсаткичлари, муассасанинг ташқи қиёфасини яхшилаш каби масалалар яхшиланиб, такомиллашиб боради.

Кластерни ташкил этишнинг ижобий ҳолатлари сифатида касбий мулоқотнинг ягона ахборот макони юзага келиши, билимлар, янги технологиялар, инновацион маҳсулотларни тарқатишни эътироф этиш жоиз. Кластернинг ички тармоғида ахборотлар тез тарқалиши натижасида унинг таркибидаги муассасалар вазиятни ўзгаришига (ҳам ташқи, ҳам ички) нисбатан тўғри муносабатда бўлиш

ҳамда самарали қарор қабул қилиши мумкин бўлади. Умумий ресурсларнинг мавжудлиги, анъаналар ва инновациялар бўйича алоқадорлик, ҳамкорлик билан рақобатнинг ҳамоҳанглиги меҳнат ва хизматлар бозорида ҳар бир бўлинманинг ҳолатини мустаҳкамловчи лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Кластерларни ташкил этиш олий таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун нима беради?

Кластерда қуйидагилар самарали ташкил этилиши мумкин:

- ўқув-методик йўналишдаги ҳамкорлик. Бу ҳамкорлик доирасида касб-хунар, касбий-педагогик таълим муассасаларида ўқув режалари, дастурларини корректировка қилиш мумкин бўлади;
- ўқув фанлари бўйича ўқув-методик мажмуаларни ташкил этишда ўзаро ёрдам берилади;
- ҳамкорликда таълим даражасига мос келувчи ўқув қўлланмалари, тавсияларни ишлаб чиқиш, уларни экспертизадан ўтказиш ва электрон версияларини яратиш ҳамда уларни бирлашма сайтига жойлаштириш;
- иш тажрибалари билан алмашиш;
- тайёргарлик профиллари бўйича мастер-класслар ўтказиш ва ҳ.к.

Олий таълим муассасасини таълим кластерига айланиши уларни таълим, ижтимоий ва маданий муассасалар билан алоқасини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, таълим хизматлари тармоғини кенгайтиради ва уларнинг сифатини, битирувчиларнинг касбий тайёргарлик имкониятларини, мутахассисларнинг ҳам горизонтал, ҳам вертикал мобиллик даражаларини оширади. Олий педагогик таълим тизимида таълимий консорциум шароитида кластерларни шакллантириш касбий таълим мазмунига, олий таълим муассасасини битирувчилар компетенциясига, истеъмолчилар томонидан қўшимча тарзда қўйиладиган талабларни интеграция қилиш, шунингдек, давлат шерикчилиги принциплари асосидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш, узлуксиз касбий таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш механизминини такомиллаштириш имконини беради. Кластерда унинг барча субъектлари лозим бўлган квалификацияларда юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг кўп даражали тизимини тартибга соладилар. Иш берувчилар нимага ўқитишни, таълим муассасалари қандай ўқитишни белгилайди, касбий таълим эса ишлаб чиқаришга интеграциялашишга асосланган жараён сифатида қаралади. Бунда талаб қилинаётган кадрни тайёрлашга ҳамда унинг касбий мослашиш даврига сарфланаётган вақт қисқаради.

Кластерни ташкил этиш талабларни унификация қилиш ҳисобига таълимий хизматлар бозорига киришга тўсқинлик қилувчи омилларни камайтиради. Айни пайтда амалга оширилаётган ҳудудий инновацион ва бошқа дастурлар кластер қизиқишларини инобатга олиши мумкин. Бизнингча, кластер ичида ўқитувчилар ва талабалар алмашишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, техника воситалари ва дастурий маҳсулотлардан ҳамкорликда фойдаланиш, кластернинг

ижобий жиҳатларини унинг бошқа субъектларига нисбатан татбиқ этиш (брендни ташкил этиш) мумкин.

Кластер генератор вазифасини ўтайдиган ҳамда инновацияларни қўллайдиган бўлажак мутахассисларни тайёрлайдиган таълим сифатини оширишга имкон яратади, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими – олий таълим муассасаларини барқарор ривожланишини таъминлайди, ўқитувчи ва талабаларнинг рақобатбардошлиги ва мобиллигини оширади. Кластер таркибидаги муассасаларнинг илмий ҳамкорлиги интеллектуал захираларни интеграциялаш, илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларини мувофиқлаштириш, инновацион илмий лойиҳалар устида ҳамкорликда ишлаш, шунингдек, янги илмий йўналишларни юзага келишига хизмат қилади. Бундай ҳамкорлик икки йўналишда амалга оширилади:

- ўқувчилар, талабалар ва магистрантларнинг илмий-тадқиқот фаолиятларини ташкил этиш, ёшларнинг дастурлари ҳамда лойиҳаларини амалга ошириш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими – олий таълим муассасаси педагогик жамоаларини давлат ҳамкорлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш.

Кластерлар асосий мўлжални грантлар асосидаги фаол фаолиятга, ҳамкорлар ва иш берувчилар билан барқарор алоқада бўлиш, кичик инновацион ташкилотлар ҳамда таълим – илмий – ишлаб чиқариш комплексларини яратиш, юқори рейтингга эга публикациялар тайёрлаш, барқарор патент фаолиятига қаратади.

Илмий-тадқиқот инновацион тадбиркорлик фаолиятининг қудратли манбасига айланади. Бироқ, бунинг учун илмий мактабларнинг юқори даражаси, олий таълим муассасасининг ривожланган инновацион инфраструктураси (патентлаш, ахборот ва хизматларнинг бошқа турлари бўйича)га эга бўлмоғи лозим. Асосий вазифалари кластернинг барча субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятларини мувофиқлаштириш, тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, мавжуд инновацион ғоялар ва ишланмаларни амалиётга жорий этишга ёрдам беришдан иборат бўлган кластер инновацион ривожланиш ассоциациясини ташкил этиш имконини беради. Ассоциациянинг фаолияти унинг аъзоларига лозим бўлган ахборот, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамларни кўрсатишга, шунингдек, уларнинг инновацион имкониятлари ва инновацион фаолияти аҳволини таҳлил ва экспертиза қилиш, улар томонидан ўзини ўзи аудит қилишга йўналтирилиши мумкин.

Инновацион ривожланиш ассоциациялари олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган турли илмий лойиҳавий ишланмаларнинг натижаларини амалиётга кенг қамровли татбиқ этилишига ёрдам беради. Бу йўлда биринчи қадам сифатида касбий таълимнинг янги шакли сифатида талабалар агентлигини ташкил этиш бўлиши мумкин. Бу агентликнинг хусусиятлари сифатида кичик инновацион ташкилотларнинг интеллектуал фаолият натижаларини ва уларни коммерциализациялашув жараёнларини, компетенциявий ёндашувни ўзининг асосий мақсади қилиб олган рақобатбардош лойиҳаловчи жамоалар комплексини

ташқил қилишни эътироф этиш мумкин. Бу омил соҳанинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда эгалланаётган касб доирасида амалий характердаги ғояларни рағбатлантиради. Таълим жараёнига инновацион тафаккур ва ишбилармонлик маданиятини ривожлантирувчи методларни жорий этиш университетнинг касбий компетенцияга эга замонавий битирувчиси портретини шакллантириш имконини беради.

Шундай қилиб, ўрта махсус, касб ҳунар таълими – олий таълим муассасаси кластерини тузиш орқали амалга оширилиши ҳам ташқи омилларнинг, ҳам “ўрта махсус, касб ҳунар таълими – олий таълим муассасаси – ишлаб чиқариш” тизимида интеграциялаштирилган субъектларнинг тараққий этишини таъминловчи таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги механизмларини аниқлашга асос бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

М.Портер «Конкуренция» М.,2005г. 258с.